

Жўраев Тождин Хайруллаевич

**Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техника ишчи
қисмларини геометрик моделлаштириш**

05.01.01 – Муҳандислик геометрияси ва компьютер графикаси.
Аудио ва видео технологиялар

**ТЕХНИКА ФАҲЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.28.12.2017.Т.07.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ЖЎРАЕВ ТОЖИДДИН ХАЙРУЛЛАЕВИЧ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА МЕЛИОРАТИВ ТЕХНИКА ИШЧИ
ҚИСМЛАРИНИ ГЕОМЕТРИК МОДЕЛЛАШТИРИШ

05.01.01 – Муҳандислик геометрияси ва компьютер графикаси.
Аудио ва видео технологиялар

ТЕХНИКА ФАҢЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Техника фаълари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияда В2017.3.PhD/Т347 рақам билан рўйхатга олишган.

Диссертация Бухоро муҳандислик-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tuit.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Муродов Нусрат Муртазович
техника фаълари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Зайнидинов Ҳаким Пасридинович
техника фаълари доктори, профессор

Синдаров Раҳмат Уралович
техника фаълари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат техника
университети

Диссертация химояси Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги DSc.28.12.2017.Т.07.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «20» 08 соат 10 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-65-44; факс: (99871) 238-65-52; e-mail: tuit@tuit.uz).

Диссертация билан Тошкент ахборот технологиялари университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (2585 рақами билан рўйхатга олишган). Манзил (100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-65-44).

Диссертация автореферати 2019 йил «27» 07 кунни тарқатилди.

(2019 йил «27» 07 даги № 1 рақамли реестр баённомаси).



Н.Х.Сиддиков
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Ж.Х.Джуманов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгашнинг илмий котиби,
т.ф.д., доцент

Ф.М.Нураллиев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси т.ф.д., доцент

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда технологик машина ва жиҳозларни, жумладан қишлоқ хўжалигини механизациялашда лойиҳалаш жараёнларини ахборот-коммуникация технологиялари асосида олиб бориш, бунда геометрик моделлаштириш, компьютерли лойиҳалаш ва саноат дизайнни қўллаш усулларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса дунёнинг саноати ривожланган мамлакатларида замонавий геометрик моделлаштириш ва компьютер графикаси усуллари ва тизимларидан кенг фойдаланилади. Шунинг билан бирга бу соҳада геометрик моделлар ва алгоритмларни, ҳамда уларни амалга ошириш усулларини ишлаб чиқиш техник объектларни лойиҳалаш жараёни учун муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Жаҳонда қишлоқ хўжалигини механизациялаш соҳасида технологик машиналар, уларнинг ишчи қисмларини такомиллаштириш ва янги моделларини яратиш, ҳамда уларни жорий қилиш орқали энергия ресурсларини тежаш, меҳнат унумдорлиги, агротехник ишлар сифати ва иқтисодий самарадорликни ошириш муҳим омиллардан ҳисобланади. Бугунги кунда ишчи қисмларни лойиҳалашнинг анъанавий усули бўлиб келган аналитик ва тажриба-синов усулларидан фойдаланишнинг ўзи етарли самарани бермайди. Албатта, бу вазифаларни амалга оширишда ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш муаммонинг асосий ечимларидан ҳисобланади. Аммо, ҳар қандай техник объект каби, қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техника ишчи қисмларини лойиҳалаш жараёнида ҳам, уларнинг геометрик параметрлари муҳим аҳамият касб этгани боис, ахборот-коммуникация технологияларидан унумли фойдаланишда геометрик моделлаштириш усулларини қўллаш зарур ҳисобланади. Бу эса юқорида айтилганидек тегишли геометрик моделлар ва алгоритмлар, ҳамда уларни компьютерда амалга ошириш усулларини ишлаб чиқишни тақозо этади.

Республикамизда илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларида, шу жумладан юқори унумдор қишлоқ хўжалиги техникасини яратишда замонавий тадқиқот ва лойиҳалаш усуллари, ҳамда тизимларидан фойдаланишга катта эътибор қаратилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан "...иқтисодий ва ижтимоий соҳага ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, ...қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантиришда унумдорлиги юқори бўлган қишлоқ хўжалиги техникасидан фойдаланиш"¹, каби вазифалар белгиланган. Бундай қишлоқ хўжалиги техникасини яратиш бўйича бажарилаётган илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларида лойиҳалашнинг график ахборотларга асосланган синтетик усулларини қўллаш муҳим масала ҳисобланади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 29 августдаги ПҚ-3245-сон “Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида лойиҳа бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2017 йил 7 июлдаги ПҚ-3117-сон “Қишлоқ хўжалигида машинасозлик соҳаси илмий-техникавий базасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорларида ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг II. “Энергетика, энергия ва ресурслар тежамкорлиги”, ҳамда IV. «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» йўналишлари доирасида бажарилган.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Қишлоқ хўжалиги техникаси ишчи қисмларини яратиш бўйича кўплаб илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари таклиф қилинган, бир қатор моделлар ва усуллар ишлаб чиқилган. Жумладан, булар фундаментал тарзда хорижий олимлардан В.П.Горячкин, В.А.Желиговский, Л.В.Гячев, Г.Н.Синеоков, И.М.Панов, В.А.Сақун, В.И.Корабельский ва бошқаларнинг ишларида кўриб чиқилган.

Ўзбекистонда мураккаб сиртга эга бўлган қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техника ишчи қисмларини тадқиқ қилишга йўналтирилган илмий ишлар М.М.Мурадов, Р.И.Байметов, А.Т.Тухтақузиёв, Ф.М.Маматов, Н.С.Бибутов ва бошқаларнинг ишларида амалга оширилган. Аммо бу ишларда асосан аналитик ва экспериментал усуллар қўлланилган. Бироқ ишчи қисмларнинг муҳим аҳамиятли параметрлари таҳлили шуни кўрсатадики, улар билан боғлиқ кўплаб масалалар геометрик хусусиятга эга бўлиб, уларни ечишда геометрик моделлаштириш усулларидан фойдаланиш яхшироқ самара беради. Бу соҳада С.М.Колотов, Н.Ф.Четверухин, С.А.Фролов, В.Е.Михайленко, К.И.Вальков, Н.Н.Рыжов, Ю.В.Котов, А.Л.Подгорний, Д.В.Волошинов, В.С.Обухова, Д.Ф.Кучкарова, Ш.К.Муродов каби геометрия соҳаси олимларининг изланишлари натижасида муҳандислик соҳалари учун геометрик моделлар, алгоритмлар ва усуллар ишлаб чиқилган бўлсада, ишчи қисмларни тадқиқ қилишда улардан деярли фойдаланилмаган. Бундан ташқари ушбу ишланмаларнинг компьютерли лойиҳалаш ва саноат дизайнини кўлаш жараёнлари учун зарурлигини ҳисобга олсак масаланинг қанчалик долзарблиги янада яққол намоён бўлади. Замонавий синтетик усулларни кўллаш, бу усулларнинг оддийлиги ва ҳаммабонлиги сабаб, нафақат ишни осонлаштиради, балки, бу жараёнга кетадиган вақт, меҳнат ва моддий харажатларни тежаш имконини беради. Шунинг учун бу усуллардан ҳозир ривожланган давлатларда кенг фойдаланилмоқда.

Олиб борилган таҳлиллар шуни кўрсатдики, ушбу масалага бевосита алоқадор бўлган, соҳага қаршли лойиҳа-конструкторлик ва илмий-тадқиқот ташкилотларида, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналарида, замонавий ишлаб-чиқариш шароитларидан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалиги техникаси ишчи қисмларини геометрик моделлаштириш ва компьютер графикаси асосида яратиш масалалари етарли даражада ўрганлмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти “Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси” кафедраси илмий тадқиқот ишлари режасидаги «3.10-Қишлоқ хўжалиги машиналари ишчи қисмларини лойиҳалаш масалаларида сиртларни геометрик моделлаштириш» (2010-2013) ва Бухоро муҳандислик-технология институти “Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси” кафедраси ягона давлат илмий-техникавий дастуридаги “Объект, жараён ва ҳодисаларни геометрик моделлаштириш” (2014-2018) мавзулари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техника ишчи қисмларини яратишда геометрик моделлаштириш, компьютерли лойиҳалаш ва саноат дизайнини қўллаш услубларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техника ишчи қисмларининг техник-технологик ва геометрик хусусиятлари боғлиқлигини таҳлил қилиш орқали геометрик моделлаштириш параметрларини асослаш;

лемех-ағдаргич сиртли ишчи қисмларни лойиҳалашда олдиндан берилган талаблар бўйича геометрик моделлаштириш усулини ишлаб чиқиш;

лемех-ағдаргич сиртли ишчи қисмларни геометрик моделлаштириш асосидаги компьютерли лойиҳалаш усулини ишлаб чиқиш;

лемех-ағдаргич сиртли ишчи қисмларни яратишда геометрик моделлаштириш ва компьютер графикасидан фойдаланиб саноат дизайнини қўллаш усулини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техника ишчи қисмларининг лемех-ағдаргичли сирти олинган.

Тадқиқотнинг предмети ишчи қисмлар сиртини, геометрик ва техник-технологик хусусиятлар орасидаги боғлиқликлар асосида геометрик моделлаштириш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотлар жараёнида проєктив ва чизма геометриянинг тасвирлаш ва қайта тузиш усуллари, тизимли таҳлил ва геометрик моделлаштириш назариялари, компьютер графикаси ва саноат дизайни тамойилларидан фойдаланилган, бунда дехқончилик механикаси, аналитик ва дифференциал геометрия қоидалари асос қилиб олинган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техника ишчи қисмларини олдиндан берилган талаблар бўйича геометрик моделлаштиришнинг инновацион хусусияти, жиҳатлари ва параметрлари асосланган;

асосланган геометрик моделлаштириш параметрлари бўйича ағдаргич ишчи сиртининг олд контури, йўналтирувчиси ва ясовчиларининг геометрик моделлари ишлаб чиқилган;

ағдаргич ишчи сирти элементларининг геометрик моделлари асосида уларнинг статик ва динамик хусусиятга эга компьютерли моделлари ишлаб чиқилган;

техник-технологик хусусиятлар асосида геометрик комбинациялашган ишчи сиртли ағдаргичнинг концептуал модели ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ағдаргич сиртли ишчи қисмларнинг хусусиятларини таҳлил қилиш асосида муҳим геометрик моделлаштириш параметрлари аниқланган;

ағдаргич сиртли ишчи қисмларнинг муҳим параметрлари асосида геометрик моделлар ва уларни амалга ошириш усуллари ишлаб чиқилган;

ағдаргич сиртли ишчи қисмларнинг геометрик моделларини қўллаш асосида компьютерли лойиҳалаш усули ишлаб чиқилган;

ағдаргич сиртли ишчи қисмлар комбинациялашган сирти концепцияси асосида дизайн-ишланмаси тайёрланиб, фойдали моделга патент олинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадиқотларнинг *AutoCAD* ва *SIMPLEX* тизимларида, проєктив, чизма, аналитик ва дифференциал геометрия ҳамда деҳқончилик механикаси қондалари бўйича бажарилганлиги билан асосланади, яратилган моделлар асосида ишлаб чиқилган усул ва олинган натижаларнинг физик-математик қонунятларга мослиги билан тасдиқланади, ҳамда таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги ва ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, лемех-ағдаргич сиртли ишчи қисмларни синтетик лойиҳалашнинг ишлаб чиқилган усуллари уларнинг янги моделларини яратиш жараёнида муҳим геометрик параметрларини бошқариш ва бу жараённи визуализациялаш имконини беради

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ишлаб чиқилган геометрик моделлар ағдаргичларнинг янги моделларини олдидан берилган агреотехник талаблар бўйича компьютерли лойиҳалашга асос бўлади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техника ишчи қисмларини геометрик моделлаштириш, компьютерли лойиҳалаш ва саноат дизайнни қўллаш бўйича ишлаб чиқилган моделлар, алгоритмлар ва усуллар асосида:

қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техника ишчи қисмларини асосланган моделлаштириш параметрлари бўйича геометрик моделлаштириш ва компьютерли лойиҳалаш усуллари Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институти ва “БМКБ-Агромаш” акциядорлик жамияти илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 1 июлдаги 02/022-925-сон маълумотномаси). Натижада ағдаргич туридаги

кишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техника ишчи қисмларни синтетик усуллар асосида лойиҳалаш ва такомиллаштириш имконини берган;

асосланган геометрик моделлаштириш параметрлари бўйича ағдаргич ишчи сиртининг олд контури, йўналтирувчиси ва ясовчиларининг геометрик моделлари, ҳамда статик ва динамик хусусиятга эга компьютерли моделлари Тошкент ирригация ва кишлоқ хўжалигининг механизациялаш муҳандислари институти ва Бухоро муҳандислик-технология институти ўқув жараёنларига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 30 августдаги 89-03-3090-сон маълумотномаси; Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2018 йил 14 июндаги 531-сон буйруғига асосан 531-035 қайд рақамли “Муҳандислик графикаси” ўқув қўлланмасига нашр рухсатномаси). Натижада мураккаб техник сиртларни геометрик моделлаштириш усуллари чуқур ўзлаштириш, бу жараёни визуализациялаш ва шу асосда муҳандис кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш имконини берган;

техник-технологик хусусиятлар асосида ишлаб чиқилган геометрик комбинациялашган ишчи сиртли ағдаргичнинг концептуал модели учун Интеллектуал мулк агентлигидан фойдали моделга патент олинган (“Плуг корпуси”, №FAP00897-2014). Натижада мураккаб техник сиртли ишчи қисмларни геометрик моделлаштириш, лойиҳа ишларини осонлаштириш, унинг муддатларини қисқартириш ва сифатини ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 14 та халқаро ва 10 та Республика илмий-амалий конференцияларида ҳамда илмий семинарларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 36 та илмий иш, жумладан 10 та иш Ўзбекистон Республикаси ОАК эътироф этган нашриётларда, шулардан 7 таси Республика журналларда, 2 таси хорижда чоп этилган ва 1 та фойдали моделга патент олинган.


Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурлик даражаси асосланган, мақсад ва вазифалар, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга тадбиқи, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг «Ишчи қисмларни геометрик моделлаштириш бўйича муаммонинг ҳолати ва тадқиқот вазифалари» деб номланган биринчи бобида кишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техника ишчи қисмларини

яратиш бўйича олиб борилган тадқиқотларнинг ҳозирги ҳолати қўлланилган усулларни шарҳлаш орқали ёритилган. Бунда қўлланилган усуллар икки гуруҳга: аналитик ва синтетик усулларга ажратилиб, синтетик усуллар сифатида ишчи қисмларни график ахборотлар воситасида тадқиқ қилиш ва лойиҳалаш усуллари кўрсатилган. Булар геометрик моделлаштириш ва унга асосланган компьютерли лойиҳалаш ҳамда саноат дизайни ишчи қисмларни яратишнинг асосий синтетик усуллари сифатида қаралган. Ишчи қисмларни яратишда синтетик усулларни қўллашнинг зарурати, имкониятлари ва инновацион хусусияти, ҳамда геометрик моделлаштиришнинг бундаги ўрни масалага алоқадор бўлган соҳага оид лойиҳа-конструкторлик, илмий-тадқиқот ва муҳандис кадрларни тайёрлаш тизимларидаги ҳолатини ўрганиш орқали аниқланган (1-расм). Ишчи қисмларни яратишда геометрик моделлаштиришни, синтетик лойиҳалаш усуллариининг асоси сифатида, қўллаш учун ишчи қисмларнинг муҳим параметрлари геометрик нуқтаи назардан таҳлил қилинган. Бунда мисол тариқасида геометрик жиҳатдан энг мураккаб ва кенг тарқалган лемех-ағдаргичли ишчи қисмлар олинган бўлиб, бунда келгусида ишланмалардан фойдаланишда универсалликни таъминлаши кўзда тутилган.




1-расм. Геометрик моделлаштириш ишчи қисмини (ИҚ) инновацион яратишнинг синтетик усуллари асоси сифатида

Диссертациянинг «Ағдаргич туридаги ишчи қисмларни геометрик моделлаштириш усулини ишлаб чиқиш» деб номланган иккинчи бобида лемех-ағдаргичли ишчи қисмлар учун ишчи сирт элементлари: ағдаргич олд контури, ишчи сирт йўналтирувчиси ва ясовчиларининг геометрик моделлари ишлаб чиқилган. Палахсани ағдариш схемасининг икки ўлчамли моделини *AutoCAD* тизимида яратиш палахса кўндаланг кесими ва ағдаргич олд контурининг геометрик параметрларини таълаш масаласини енгиллаштиради, ҳамда улардан ишчи сиртни 3D моделлаштириш жараёнида фойдаланиш имконини беради (2-расм). Палахсани ағдариш мавжуд схемалари ($a-d$) қиёсий таҳлили асосида кўндаланг кесими ва олд контурининг оптимал шаклини таълаш масаласи учун геометрик моделлаштириш орқали схема янги модели (e) таклиф қилинган.




2-расм. Кўндаланг кесим ва олд контурнинг шаклини танлаш модели

Йўналтирувчи эгри чизикнинг геометрик параметрларини танлаш ишчи сиртни лойиҳалашнинг энг муҳим босқичи ҳисобланади. Йўналтирувчини ягона вариантда берувчи анъанавий лойиҳалаш усулидан фарқли равишда, бу жараёнда геометрик моделлаштиришни қўллаш, йўналтирувчини олдиндан берилган талаблар асосида турли вариантларда олиш имконини беради. Олдиндан берилган талаблар бўйича йўналтирувчини беришнинг геометрик модели (3-расм,а) муҳандислик (график) дискриминанти (3-расм,б) ва Паскаль теоремаси асосида (3-расм,в) ишлаб чиқилган бўлиб, у йўналтирувчи сифатида 2-тартибли эгри чизикларни бериш ва уларнинг параметрларини аниқлаш (4-расм) имконини беради.



3-расм. Йўналтирувчи эгри чизикни геометрик моделлаштириш




4-расм. Моделда эллипс ва гиперболо параметрларини график аниқлаш

Алгъанавий усулда, йўналтирувчи сифатида бошлангич айлана ёйи, ишчи сиртга ўзгарувчан эгрилик бериш мақсадида, парабола ёйи билан алмаштирилган. Мутахассислар томонидан йўналтирувчи сифатида эллипс ва гипербола ёйларидан ҳам фойдаланиш мумкинлиги айтиб ўтилган. Аммо уларни бериш геометрик модели мавжуд бўлмагани сабабли бу ёйларни график усулда бериш масаласи кийин бўлгани учун улардан фойдаланилмаган. Ишлаб чиқилган модель эса бу имконни берди ва йўналтирувчи парабола ўрнида эллипсдан фойдаланиш масаласи кўриб чиқилди. Натижада йўналтирувчининг нафақат эгрилигини кўп вариантлик имкониятига асосан бошқариш, балки бу эгриликнинг йўналишини ҳам ўзгартириш имкониятига эга бўламиз. Чунки ягона учга эга парабола ёйи гиперболадан фаркли равишда, ёпиқ контурли эллипс тўртта учга эга бўлиб, олдиндан берилган талаблар бўйича иккита уринма билан учлардан иккитасини ҳам қамраб олиш имконияти мавжуд (5-расм):

қўш диаметрлар бўйича, бирта учга эга ва турли эгриликларда, эгриликнинг ўзгариш йўналиши асимметрик бўлган эллипс ёйи (5-расм,*а*);


қўш диаметрлар бўйича, иккита учга эга ва турли эгриликларда, эгриликнинг ўзгариш йўналиши асимметрик бўлган эллипс ёйи (5-расм,*б*);

бош диаметрлар бўйича, бирта учга эга ва максимал ёйи минимал эгриликларда эгриликнинг ўзгариш йўналиши симметрик эллипс ёйи (5-расм,*в*).




5-расм. Моделда ёйни эгрилик ва учлари бўйича таълаш вариантлари

Эллипс ёйини таълашда унинг уринмалари вазиятларидан фойдаланиш қулай ҳисобланади. Бунинг учун Брианшон ва Дезарг теоремаларига асосланиб уринмалар конфигурациясини тузиш масаласи кўриб чиқилди. Маълумки, эллипсни камида учта уринма билан қамраб олиш, ёйи мос равишда учта ватар билан ички томондан чеклаш мумкин. Бу эса уринма ва ватарлардан иборат, симметрик (*а*) ва асимметрик (*б*) кўринишлардаги ўзаро мос чизилган учбурчаклардан иборат \mathcal{U}_3 конфигурацияни тузиш имконини берди (6-расм).



6-расм. Уринма ва ватарларнинг ўзаро мос конфигурацияси модели

Анъанавий лойихалаш услубиётида йўналтирувчи сифатида, осон бўлгани учун, текис эгри чизик қўлланилган. Гарчи фазовий эги чизик ишчи сиртни агротехник талабларга мослаштиришга қулайроқ бўлсада, уни беришнинг геометрик модели йўқлиги учун, масала қийинлиги сабаб, ундан йўналтирувчи сифатида фойдаланилмаган. Бу геометрик моделни ишлаб чиқиш учун геодезик чизик асос қилиб олинди. Чунки, Бернулли теоремаси бўйича сиртнинг икки нуқтаси орасидаги энг қисқа масофа *геодезик чизик* бўлиб, Герц принципига асосан заррачалар ишчи сиртдаги йўлни, шу чизик бўйлаб ўтишга интилади. Масала икки хил, тўғри ва тескари вариантларида кўриб чиқилди: геодезик чизикни, сирт бўйлаб ҳаракат траекторияси сифатида аниқлаш (7-расм,*а*) ва сиртни фазовий ҳаракат траекторияси бўйича аниқлаш (7-расм,*б*).



7-расм. Фазовий йўналтирувчини беришнинг геометрик моделлари

Технологик шартлар бўйича чизикли сиртлар, уларни тайёрлаш осонлиги, бу сирт бўйлаб заррачалар энг кам қаршиликка учраши ва уларга тупрок камроқ ёпишиши сабабларидан, ишчи сирт сифатида лойикрок ҳисобланади. Шунинг учун, йўналтирувчиларнинг вазияти бўйича сиртни моделлаштириш муҳим аҳамиятга эга. Чунки, берилган олд контур ва йўналтирувчи асосида, ясовчилар вазиятини ўзгартириб турли ишчи сиртларни олиш мумкин. Шу асосда турли чизикли сиртларни моделлаштириш масаласи кўриб чиқилди (1-жадвал). Натижада ёйилувчи сиртларнинг бўлакларидан ташкил топган комбинациялашган сиртлар технологик жиҳатдан қулайлиги тасдиқланди.


1-жадвал

Чизикли сиртларни ясовчилар бўйича моделлаштириш

№	Сирт тури ва вазияти	Сирт модели ва элементлари	№	Сирт тури ва вазияти	Сирт модели ва элементлари	№	Сирт тури ва вазияти	Сирт модели ва элементлари
1.	Фронталь жойлашган текис сирт - текислик		2.	Қия жойлашган текис сирт - текислик		3.	Фронталь жойлашган шиллирлик сирт	
4.	Қия жойлашган шиллирлик сирт		5.	Фронталь жойлашган конус сирти		6.	Қия жойлашган конус сирти	
7.	Қия жойлашган шиллирлик сирти		8.	Қия жойлашган коноид сирти		9.	Қия жойлашган гетиконд сирти	
10.	Қия жойлашган гиперболик параболоид сирти		11.	Қия жойлашган торе сирти		12.	Қия жойлашган узлама - комбинацияли сирт	


Диссертациянинг «Ағдаргич туридаги ишчи қисмларни компьютерли лойиҳалаш усулини ишлаб чиқиш» деб номланган учинчи бобида ишчи сиртни *AutoCAD* ва *SIMPLEX* тизимида лойиҳалаш масаласи қаралган.

Текис эгри чизикли йўналтирувчининг, алгоритм асосидаги (а), динамик блоки (б), уни ясаш жараёнини автоматлаштириш имконини беради (8-расм).



8-расм. Йўналтирувчи динамик блоки ва параметрлар бериш алгоритми


Ағдаргич ишчи сиртини уч ўлчамли моделлаштириш учун унинг “Олд контур”, “Йўналтирувчи” ва “Ясовчилар” элемент блокларидан фойдаланамиз (9-расм,а). Ишчи сиртни “Силлиқ сирт” - «Гладкая поверхность» режимида бир нечта ясовчилар ёрдамида ҳосил қилиш мақсадга мувофиқдир (9-расм,б).



9-расм. Ишчи сирт элемент блокларини жойлаштириш (а) ва яшаш (б)

Ишчи сиртнинг ёйилмасини (в) шаблон чизиклари (а) асосида яшаш уни лойihalашнинг ҳал қилувчи босқичи ҳисобланади. Анъанавий лойihalаш воситаларидан фарқли равишда, компьютерда шаблон чизикларини исталган йўналишда ва миқдорда олиш, ҳамда сиртни керакли аниқликда ёйиш мумкин. Сирт каркасини ташкил қилувчи бўйлама ва кўндаланг кесим чизикларининг кесишуви, муҳандислик ҳисоб-китобларида ишлатилиши мумкин бўлган, “дискрет нуқталар” (б) ни беради (10-расм).


AutoCAD тизимида ағдаргични лойihalашнинг таклиф қилинаётган усули лойihalаш жараёнини сезиларли даражада енгиллаштиради, етарли даражада аниқликни таъминлайди, ҳамда ундан фойдаланиш юртимиз кишлоқ хўжалиги соҳаси учун техникаларни яратиш ва мутахассисларни тайёрлашда, анъанавий усулдан фарқли равишда, қулай ва инновацион ҳисобланади.



10-расм. Сиртнинг шаблон чизиклари, дискрет нуқталари ва ёйилмаси


Маълумки, тадқиқотлар асосида ишлаб чиқилган геометрик моделларда кўпгина геометрик параметрлар, доимий эмас ўзгарувчан қийматлар билан ишлашни талаб қилади. Диссертациянинг иккинчи бобида AutoCAD тизимида ишлаб чиқилган моделлар эса, бу тизимда динамик моделлар

яратиш бирмунча мураккаб бўлгани учун, асосан статик хусусиятга эга. Бу эса ишлаб чиқилган геометрик моделларнинг имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш имконини бермайди. *SIMPLEX* конструктив геометрик моделлаштириш тизимида эса, бу тизим геометрик алгоритмлар асосида дастурлаш тамойилига асослангани учун, динамик моделлар яратиш имкониятлари юқори ҳисобланади. Ушбу имкониятлардан фойдаланиб, *AutoCAD* тизимида ишлаб чиқилган палахсани ағдариш схемасининг статик моделини *SIMPLEX* тизимига экспорт қиламиз ва динамик моделга ўтказамиз (11-расм).



11-расм. Ағдариш схемаси кириш ва чиқиш геометрик параметрлари

Натижада биз кўндаланг кесим шаклининг геометрик параметрларини доимийдан ўзгарувчан қийматларга ўтказиш ва виртуал синовларни амалга ошириш имкониятига эга бўламиз. Буни кўндаланг кесим шаклининг бирта параметрини, масалан, бурчак кесимини ўзгарувчан кўринишда бериб, ағдариш жараёнида ағдарилган палахса ҳолатини турли вариантларда кўришимиз мумкин (12-расм,а). Шунингдек тизимда геометрик алгоритмларга асосланган асбоблар интерфейсининг имкониятлари жуда юқори. Масалан, палахса кўндаланг кесимининг оғирлик марказини "Барицентр" панели ёрдамида автоматик аниқлаш, бу орқали эса палахса кўндаланг кесимининг мувозанат ҳолатидан чиқариш бурчагини минимумга олиб келиш, *AutoCAD* тизимига нисбатан жуда осон амалга оширилади (12-расм,б).




12-расм. Кўндаланг кесим шакли ва оғирлик марказ ўрнини бошқариш

Диссертациянинг «Ағдаргич туридаги ишчи қисмларни саноат дизайни усулини ишлаб чиқиш» деб номланган тўртинчи бобида мавжуд ағдаргич конструкциялари моделини таҳлил қилиш ва баҳолаш асосида янги модел концепциясини танлаш услуги, комбинациялашган ишчи сирт концепцияси ва ағдаргичнинг саноат дизайни ишлаб чиқилган. Маълумки, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида фойдаланиладиган плуг ағдаргичлари, қўлланиш мақсадига қараб турли конструкцияларга эга. «*Concept selection*» усулида мавжуд конструкцияларнинг техник-технологик параметрларига таъсир қилувчи муҳим геометрик параметрлари орқали бошқариладиган турли мезонлар бўйича устунликлари *скрининги* амалга оширилган (2-жадвал). Визуал скрининг натижаларига кўра аниқланган устунликлар бўйича мавжуд моделларнинг комбинацияси асосида ағдаргич дизайн-ишланмаси учун модель танлаш жараёни амалга оширилган.


2-жадвал

Ағдаргични яратиш учун модель танлаш жараёни скрининги

№	Ағдаргич геометрик хусусиятларининг техник-технологик хусусиятларига таъсири	Қуриб чиқилган конструкция моделлари						Устунликлар бўйича тақлиф қилинган конструкция модели
		A	B	C	D	E	F	
1.	Палахса траекториясига таъсири	0	+	0	-	0	0	B
2.	Ағдаргич материал сарфига таъсири	+	+	-	0	+	-	BE
3.	Ишлов бериш сифатига таъсири	0	+	0	-	0	0	B
4.	Шудгор текислигига таъсири	-	-	+	+	-	+	CDF
5.	Ағдаргич кўпфункционалликка таъсири	-	-	-	-	+	+	EF
6.	Ишлаб чиқариш технологиясига таъсири	-	-	-	+	0	0	D
7.	Конструкция мураккаблигига таъсири	+	+	0	0	0	-	B
	Камчиликлар йигиндиси " - "		3	3	3	1	2	Устунликлар
	Устунликлар йигиндиси " + "		4	1	2	2	2	
	Конструкция моделининг умумий баҳоси		1	2	1	1	0	
	Конструкция моделининг рейтинг		1	4	3	1	2	




Танланган модель бўйича ағдаргични яратишда геометрик комбинациялашган ишчи сиртни қўллаш учун муҳандислик геометрияси қондалари асосида ва чизикли сиртларнинг комбинацияси ёрдамида ишчи сирт *концепцияси* ишлаб чиқилган (14-расм).



14-расм. Комбинациялашган сирт элементлари (а, б) ва ИҚ (в) моделлари

Ишчи қисмларнинг *дизайн-ишланмаси* уларни яратишда саноат дизайнини қўллаш натижаси ҳисобланади. Маълумки, дизайн-ишланма, тажриба-синовларсиз лойиҳалаш усули сифатида, ишчи қисмларни яратишда имкон қадар кам вақт, меҳнат ва харажат сарфлаш имконини беради. Тадқиқот натижалари сифатида мисол тариқасида, бурама плуг учун қўлланиладиган ағдаргичнинг дизайн-ишланмасини тайёрлаш жараёни кўриб чиқилган (15-расм).



15-расм. Дизайн-ишланманинг эскизи (а), проекцион (б) ва компьютерли (в), ҳамда патентланган (г) моделлари

ХУЛОСА

“Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техника ишчи қисмларини геометрик моделлаштириш” мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилади:

1. Техник объектлар, жумладан қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техника ишчи қисмларини яратишда синтетик усуллар сифатида геометрик моделлаштириш ва унга асосланган компьютерли лойиҳалаш ва саноат дизайни усулларидан самарали фойдаланиш, соҳага оид инновацион ишланмаларни замонавий лойиҳалаш ва ишлаб чиқариш тизимлардан фойдаланиб, ананавий усулларга нисбатан қисқа муддатларда, юқори сифат ва кам харажат билан амалга ошириш имконини беради.

2. Лемех-ағдаргич сиртли ишчи қисмларни яратишда геометрик моделлаштириш усулининг ишлаб чиқилиши шуни тасдиқлайдики, мураккаб сиртли техник объектларни яратишда уларнинг ишчи сирти асосий тадқиқот объекти ҳисобланади. Сирт аниқловчилари: ишчи сиртининг олд контури ҳамда йўналтирувчи ва ясовчиларининг ишлаб чиқилган геометрик моделлари ишчи сиртининг геометрик параметрларини оптималлаштиришда самарали бошқариш, бундай ишчи қисмларни олдиндан берилган талаблар асосида лойиҳалаш ҳамда тадқиқот ва лойиҳалаш жараёнларини автоматлаштирилган лойиҳалаш тизимларида амалга ошириш имконини беради.

3. Лемех-ағдаргич сиртли ишчи қисмларни компьютерли лойиҳалаш усулининг ишлаб чиқилиши, бу жараёнда геометрик моделлар, уларни амалга ошириш алгоритмлари ва усулларидан фойдаланиш зарурлигини тасдиқлайди. Бунда лойиҳалаш жараёнини визуализациялаш, лойиҳа сифати ва самарадорлигини ошириш, виртуал синовларни амалга ошириш, ҳамда лойиҳаларни автоматлаштирилган лойиҳалаш тизимининг юқори бўғинларига экспорт қилиш ва интеграциялаш имконини беради.

4. Лемех-ағдаргич сиртли ишчи қисмларни яратишда саноат дизайнини қўллаш усулининг ишлаб чиқилиши шуни исботлайдики, саноат дизайни тамойиллари ва усулларининг қўлланилиши, тажриба-синовларсиз лойиҳалаш усуллари сифатида, ишчи қисмларни яратиш жараёнини соддалаштириш, бу жараёнга сарфланадиган вақт ва маблағларни қисқартириш, ҳамда ишчи қисмларни яратиш жараёнида бу усулларнинг имкониятларидан янада самарали фойдаланиш имконини беради.

5. Ишчи қисмларни лойиҳалашда синтетик усуллардан самарали фойдаланиш, уларни геометрик моделлаштиришнинг назарий асосларини такомиллаштириш, амалий усулларини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотларни яна давом эттириш ва уларни соҳага оид ташкилот, корхона ва таълим муассасаларида кенгрок жорий қилиш, ҳамда ишлаб чиқаришнинг замонавий талаблари ва истиқболларидан келиб чиқиб, соҳа бўйича геометрик моделлаштириш инфратузилмасини яратиш заруратини кўрсатади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.28.12.2017.Т.07.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
НАУЧНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ
ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ**

БУХАРСКИЙ ИНЖЕНЕРНО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

ЖУРАЕВ ТОЖИДДИН ХАЙРУЛЛАЕВИЧ

**ГЕОМЕТРИЧЕСКОЕ МОДЕЛИРОВАНИЕ РАБОЧИХ ОРГАНОВ
СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННОЙ И МЕЛИОРАТИВНОЙ ТЕХНИКИ**

**05.01.01 – Инженерная геометрия и компьютерная графика.
Аудио и видео технологии**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (РФД) ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2017.3.PhD/Т347.

Диссертация выполнена в Бухарском инженерно-технологическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице (www.tuit.uz) и информационно-образовательном портале «Ziyounet» (www.ziyounet.uz).

Научный руководитель:

Муродов Нусрат Муртазоевич
доктор технических наук, доцент

Официальные оппоненты:

Зайнидинов Хаким Пасридинович
техника фанлари доктори, профессор

Синдаров Рахмат Уралович
техника фанлари номзоди, доцент

Ведущая организация:

Ташкентский государственный
технический университет

Защита состоится «20» 08 2019 г. в 10 часов, на заседании научного совета DSc.28.12.2017.Т.07.02 при Ташкентском университете информационных технологий. (Адрес: 100202, г. Ташкент, ул. Амира Темура, 108. Тел: (99871) 238-65-44; факс: (99871) 238-65-52; e-mail: tuit@tuit.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского университета информационных технологий (Регистрационный № 2585). (Адрес: 100202, г.Ташкент, ул. Амира Темура, 108. Тел: (99871) 238-65-44).

Автореферат диссертации разослан «27» 07 2019 г.

(протокол рассылки № 1 от «27» 07 2019 г.).



Н.Х.Сиддигов
Председатель научного совета по присуждению научных степеней, д.т.н., профессор

Ж.Х.Джуманов
Ученый секретарь научного совета по присуждению научных степеней, д.т.н., доцент

Ф.М.Пуралиев
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению научных степеней, д.т.н., доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире особое внимание уделяется ведению процессов проектирования технологических машин и оборудования, в т.ч. механизации сельского хозяйства на основе информационно-коммуникационных технологий с применением методов геометрического моделирования, компьютерного проектирования и промышленного дизайна. Современные методы и системы геометрического моделирования и компьютерной графики широко применяются в промышленно развитых странах. При этом разработка геометрических моделей и алгоритмов, а также методов их реализации в процессе проектирования технических объектов является одной из важных задач этой сферы.

В мире совершенствование существующих и создание новых моделей технологических машин и их рабочих органов, в т.ч., в отрасли механизации сельского хозяйства являются основными факторами экономии энергоресурсов, повышения производительности труда, качества агротехнических работ и экономической эффективности. Сегодня применение только аналитических и опытно-экспериментальных методов, как традиционных, в разработке рабочих органов является недостаточным. Широкое применение информационно-коммуникационных технологий в этих задачах является одной из основных решений этой проблемы. Однако для эффективного использования информационно-коммуникационных технологий считается необходимым применение в этом процессе методов геометрического моделирования, так как при проектировании рабочих органов сельскохозяйственной и мелиоративной техники, как любого технического объекта, их геометрические параметры, имеют большое значение. А это как выше отмечено, требует разработки соответствующих моделей и алгоритмов, а также методы их реализации в системах компьютерного проектирования.

В Республике огромное внимание уделяется применению в научно-исследовательских и опытно-конструкторских работах, в т.ч. в разработке высокопроизводительной сельскохозяйственной техники современных методов и систем исследования и проектирования. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в 2017-2021 годах также определены задачи по «... внедрению информационно-коммуникационных технологий в экономике и социальной сфере, ... в модернизацию и интенсификации сельского хозяйства применением высокопроизводительной техники»¹. Поэтому применение синтетических методов проектирования, основанных на графическую информацию, в научно-исследовательских и опытно-конструкторских работах по разработке высокопроизводительной сельскохозяйственной техники, является актуальной задачей.

¹ Указ Президента Республики Узбекистан «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан». Газета «Народное слово» №28 (6692), 8 февраля 2017 года.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе и Постановлениях Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», ПП-3245 от 29 августа 2017 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы управления проектом в отрасли информационно-коммуникационных технологий» и ПП-3117 от 7 июля 2017 года «О мерах по дальнейшему развитию научно-технической базы в машиностроительной отрасли сельского хозяйства», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий в Республике Узбекистан. Исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики Узбекистан II. «Энергетика, энерго-ресурсосбережение», IV. «Развитие информатизации и информационно-коммуникационных технологий»

Степень изученности проблемы. По разработке рабочих органов сельскохозяйственной техники предложены множества научно-исследовательских и опытно-конструкторских работ, разработаны ряд моделей и методов. В частности, они фундаментально рассмотрены в работах зарубежных ученых В.П.Горячкина, В.А.Желиговского, Л.В.Гячева, Г.Н.Синеокова, И.М.Панова, В.А.Сакуна, В.И.Корабельского и др.

В Узбекистане научные работы, направленные на исследования рабочих органов сельскохозяйственной и мелиоративной техники со сложной технической формой проведены в трудах М.М.Мурадова, Р.И.Байметова, А.Т.Тухтакузиева, Ф.М.Маматова, Н.С.Бибутова и др. В этих работах традиционно, задачи решались на основе аналитических и экспериментальных методов. Однако анализ существенных параметров рабочих органов показывает что, многие из этих задач имеют геометрический характер, и применение методов геометрического моделирования в решении этих задач дает эффективные результаты благодаря трудам ученых-геометров С.М.Колотова, Н.Ф.Четверухина, В.Е.Михайленко, С.А.Фролова, К.И.Валькова, Н.Н.Рыжова, Ю.В.Котова, А.Л.Подгорного, В.С.Обуховой, Д.В.Волошинова, Д.Ф.Кучкаровой, Ш.К.Мурадова и др. разработаны геометрические модели, алгоритмы и методика для различных областей инженерного исследования. Однако эти разработки почти не применены в исследованиях рабочих органов. Если учесть, что, такие разработки необходимы для процессов применения компьютерного проектирования и промышленного дизайна, то ещё более прояснится важность этого вопроса. Применение современных синтетических методов намного облегчает решение этих задач, своей простотой, доступностью и существенно сокращает временные, трудовые и материальные затраты на их решение, которое подтверждается широким применением этих методов в развитых странах.

Проведенный анализ в подведомственных проектно-конструкторских и научно-исследовательских учреждениях, а также на предприятиях сельхозмашиностроения, имеющих прямое отношение к данной проблеме, показывает, что, вопросы разработки рабочих органов сельскохозяйственной техники на основе геометрического моделирования и компьютерной графики с учетом условий современного производства достаточно неизучены.

Связь диссертационного исследования с планами НИР ВУЗа. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с научно-исследовательскими темами кафедры «Начертательная геометрия и инженерная графика» Ташкентского института инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства "3.10 - Геометрическое моделирование поверхности в проектировании рабочих органов сельскохозяйственных машин" (2010-13) и по теме единой государственной научной технической программы кафедры «Начертательная геометрия и инженерная графика» Бухарского инженерно-технологического института "Геометрическое моделирование объектов, процессов и явлений" (2014-18).

Целью исследования является разработка методики геометрического моделирования, компьютерного проектирования и промышленного дизайна в разработке рабочих органов сельскохозяйственной и мелиоративной техники.

Задачи исследования:

обоснование параметров геометрического моделирования рабочих органов сельскохозяйственной и мелиоративной техники, путем анализа связей геометрических и технико-технологических характеристик;

разработка методики геометрического моделирования рабочих органов с лемешно-отвальной поверхностью, по наперед заданным требованиям;

разработка методики компьютерного проектирования рабочих органов с лемешно-отвальной поверхностью геометрическим моделированием;

разработка методики промышленного дизайна рабочих органов с лемешно-отвальной поверхностью применением геометрического моделирования и компьютерной графики.

Объектом исследования является лемешно-отвальная поверхность рабочих органов сельскохозяйственной и мелиоративной техники.

Предметом исследования является геометрическое моделирование поверхности рабочих органов на основе взаимосвязей геометрических и технико-технологических характеристик.

Методы исследования. В процессе исследования применены методы проектирования и преобразования проективной и начертательной геометрии, теории системного анализа и геометрического моделирования, принципы компьютерной графики и промышленного дизайна на основе положений земледельческой механики, аналитической и дифференциальной геометрии.

Научная новизна исследования заключается в следующем:

